



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 28 » sentabr

№ 545

Toshkent sh.

2022–2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармонида белгиланган кўрсаткичларга эришиш ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ички ва хорижий туризм бозорлари учун ҳудуднинг жозибадорлигини ошириш, туризм, маданий мерос, маданият ва санъат соҳалари инфратузилмасини яхшилаш, янги туризм хизматларини жорий қилиш, миллий хунармандчилик маҳсулотлари турларини кўпайтириш, соҳада янги иш ўринларини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

2022–2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

2022–2024 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ;

2022–2024 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг туризм салоҳиятини янада ошириш юзасидан амалга ошириладиган **инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати 3-иловага мувофиқ;**

Оролбўйи минтақасининг ижтимоий ва маданий-маърифий салоҳиятини янада ошириш бўйича **“Орол орзуси” дастури 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

2. Белгилансинки, Туризм ва маданий мерос вазирлигининг бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ҳисобидан қуйидаги тарғибот тадбирларини амалга ошириш учун **маблағлар ажратилади:**

Қорақалпоғистон Республикаси (кейинги ўринларда – ҳудуд), айниқса, Мўйноқ туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва туризм салоҳиятини **тарғиб қилувчи матнли, видео материалларни қорақалпоқ, ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрлаш, оммавий ахборот воситаларида, жумладан, телевидение ва радиода мунтазам ёритиб бориш ҳамда туристик объектларга тарқатишни ташкил қилиш;**

хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари, журналистлар, блогер ва влогерлар иштирокида **инфотурлар ташкил қилиш ва уларни ёритиб бориш;**

Оролбўйи минтақасининг ижтимоий ва маданий-маърифий салоҳиятини янада ошириш бўйича **“Орол орзуси” дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш.**

3. Қуйидагилар Қорақалпоғистон Республикасининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни янада ривожлантиришнинг **асосий мақсадлари этиб белгилансин:**

замонавий туризм инфратузилмаси объектлари (меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туристик аҳамиятга эга бошқа объектлар) ҳамда махсус функционал ва мавсумий рекреацион дам олиш зоналарини яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш;

худуднинг экомужити имкониятларини ҳисобга олган ҳолда туризмнинг сафари, экстремал, этно турлари бўйича ўзига хос туризм йўналишларини ташкил этиш;

худудда янги йўловчи транспорти (автобус, микроавтобус ва бошқалар) йўналишларини кенгайтириш, уларнинг мунтазам қатновларини ташкил этиш, тегишли транспорт инфратузилмасини ривожлантириш;

худудда ноёб табиий объектлар ва мажмуаларни, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг генетик фондини сақлаш, дарахтлар нобуд бўлишига йўл қўймаслик, ўрмонзорлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, шунингдек, антропоген фаолиятнинг атроф муҳитга салбий таъсирининг олдини олиш ва камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда Туризм ва маданий мерос вазирлиги икки ой муддатда Эллиққалъа туманидаги “Шарқ юлдузи” овул фуқаролари йиғинининг “Ақчақўл” худудида туристик дам олиш масканлари, савдо-кўнгилочар хизматларини ташкил этиш ва шу мақсадда зарур инфратузилмани барпо қилиш бўйича худуднинг бош режаси ишлаб чиқилишини таъминлансин.

5. Туризм ва маданий мерос вазирлиги:

Маданий мерос агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда **икки ой муддатда Мўйноқ туманида йўқолиб бораётган тарихий “балиқчилар уйлари” ва уларга оид объектларни** хатлов ва экспертизадан ўтказсин ҳамда хулосаларга кўра уларни белгиланган тартибда маданий мерос объектлари рўйхатига киритиш;

“Хунарманд” уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда худуддаги хунармандлар томонидан яратиладиган **сувенир маҳсулотлар турларини кўпайтириш**, сувенир маҳсулотларида **қорақалпоқ, Орол ва Мўйноқ анъаналари тимсоли** ва денгизни тасвирловчи **жараёнларни акс эттириш** ҳамда уларнинг **Тошкент, Хива, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида** савдосини йўлга қўйиш;

Маданий мерос объектлари муаммоларини ўрганиш ва туризмни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти ҳамда “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети томонидан **2022 йил давомида** Қорақалпоғистон Республикасида **гид-экскурсовод** сифатида фаолият олиб бориш истагини билдирган талабгорларга тегишли махсус амалий ўқув курсини ташкил этиш;

Маданият вазирлиги, Маданий мерос агентлиги, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда 2022 йил сентябрь ойида Аҳмад Яссавий тариқати давомчиси Ҳаким ота (Сулаймон Боқирғоний) **таваллудининг 900 йиллигига** бағишланган халқаро конференцияни юқори савияда ташкил қилиш ва тарғибот материаллари (Сулаймон Боқирғонийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган видеоролик, тарқатма маълумотлар)ни тайёрлаш;

хорижий давлатлар ва республикада ўтказиладиган нуфузли туристик кўргазмаларда Қорақалпоғистон Республикасининг туризм салоҳиятини кенг тарғиб қилиш чораларини кўрсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Туризм ва маданий мерос вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** Жамғарма маблағлари ҳисобидан Чимбой тумани “Кокшиқалъа” маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият олиб бораётган ўтов (қора уй) тайёрловчи ҳунармандлар устахоналарини миллий кўринишда таъмирлаш ва ҳудудни ободонлаштириш ишларини ташкил қилсин.

7. Туризм ва маданий мерос вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда:

Оролбўйи муаммолари, уларни бартараф этиш ҳамда минтақада туризмни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан жаҳон ҳамжамиятини яқиндан таништириш, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар грантлари ва инвесторларнинг маблағларини ҳудудга жалб қилиш;

хорижий ҳамкорлар учун **“Оролбўйи эзгу ният элчилари” халқаро мулоқот платформасини** ташкил этиш ва Мўйноқда халқаро конференция ўтказиш;

“яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ёшларнинг экологик маданиятини ошириш, ташриф буюрувчи маҳаллий ва хорижий сайёҳлар томонидан Оролбўйи минтақасининг иқлимига мос дарахт ҳамда саксовул кўчатларини экишни тарғиб қилиш;

республикадаги ёшларнинг Мўйноқ туманига ташрифини ташкил этиш, маҳаллий ёшлар иштирокида маданий-кўнгилочар тадбир ва экологик акциялар ташкил этиш чораларини кўрсин.

8. Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, “Ҳунарманд” уюшмаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

Қорақалпоғистон Республикасининг ҳар бир шаҳар ва туманларидан 500 нафардан фуқароларни республиканинг туристик ҳудудларига саёҳатларини ташкил этиш;

вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаш бўйича қисқа муддатли (етти кундан кам бўлмаган) курсларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

9. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бир ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси билан биргаликда республиканинг туристик ҳудудларига саёҳатларни ҳамда қисқа муддатли курсларни ташкил этиш графигини тасдиқласин.

10. Туризм ва маданий мерос вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарорда белгиланган вазифаларнинг ўз муддатида ва сифатли бажарилишини таъминласин, амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига ҳар ой якуни билан киритиб борсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – туризм ва маданий мерос вазири А.А. Абдуҳакимов ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қ.Р. Сариев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 28 сентябрдаги 545 -сон қарорига
1-илова

2022–2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида
туризм соҳасини ривожлантиришнинг
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Кўрсаткичлар номи	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.	2026 й.
1.	Ички туристлар ташрифи сони (минг киши)	552	663	774	885	996
2.	Хорижий туристлар сони (минг киши)	50	80	110	150	180
3.	Хизматлар экспорти (млн АҚШ долл)	13,5	25	36,5	48	59,5
4.	Жойлаштириш воситаларидаги хоналар сони	1 005	1 200	1 360	1 555	1 905
5.	Меҳмонхоналардаги хоналар фондининг бандлик даражаси	35,0	43,0	51,0	59,0	74,0
6.	Жойлаштириш воситаларидаги ўринлар сони	1 990	2 260	2 520	2 850	3 370
7.	Меҳмонхоналар сони (дона)	36	40	42	44	50
8.	Оилавий меҳмон уйлари сони (дона)	48	57	66	78	92
9.	Хостеллар сони (дона)	23	29	35	41	48
10.	Интернет (4G ва 5G технологияларини ҳисобга олган ҳолда) қамрови даражасини ошириб бориш	10	12	14	16	20

Изоҳ. Прогноз қилинаётган мақсадли кўрсаткичларга туризмни ривожлантириш бўйича давлат ва ҳудудий дастурларни амалга ошириш натижаларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

2022–2024 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг
туризм салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
I. Туризм инфратузилмасини ташкил қилиш					
1.	Беруний туманида жойлашган “Султон Увайс бобо” зиёратгоҳи ёнидаги “Муножат” тоғи ҳудудида маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида туризм инфратузилмасини яхшилаш.	<p>1. “Султон Увайс бобо” зиёратгоҳидан “Муножат” тоғигача бўлган 3 километр масофадаги йўлни асфальтлаш.</p> <p>2. Асфальт йўл ёқасига пиёдалар йўлакчасини ётқизиш.</p> <p>3. “Султон Увайс бобо” зиёратгоҳидан “Муножат” тоғигача бўлган 3 километр масофада электр энергиясини тортиш ва ёритиш ускуналарини ўрнатиш.</p> <p>4. “Муножат” тоғига чиқиш ва тушиш зиналарини замонавий кўринишда қайта таъмирлаш, зиналар бўйлаб дам олиш ўриндиқларини ўрнатиш.</p> <p>5. “Муножат” тоғида Султон Увайс Қаронийнинг тиззаси ўрни қолган ва тишлари синган жойларни муҳофаза зонаси билан қоплаш ва атрофини ободонлаштириш.</p>	2022–2023 йиллар	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, маҳаллий бюджет ва грант маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Автомобиль йўллари қўмитаси, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданий мерос агентлиги
2.	Тўрткўл туманидаги “Жанбасқалъа” ОФЙ ҳудудида жойлашган “Ўрдак кўл” кўли бўйида “Фишинг тур”, “Туя тур”, ўтов лагерлари, контейнерлар, меҳмон уйлари, эко боғ, сув пляжи, пляж футболли, пляж волейболи,	<p>1. “Ўрдак кўл” ҳудудига олиб борувчи 3 километр ички йўлни таъмирлаш (ШПС ётқизиш).</p> <p>2. “Ўрдак кўл” ҳудудига олиб борувчи 2,5 километрлик электр тармоғини тортиш.</p> <p>3. Маҳаллий ва хорижий туристлар учун қулайлик яратиш мақсадида кўл бўйида санитария-гигиена шохобчаларини ташкил</p>	2022 йил давомида	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари, тадбиркорлик субъектлари маблағлари	Автомобиль йўллари қўмитаси, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, Молия вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Қорақалпоғистон

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
	овқатланиш ва дам олиш масканини ташкил қилиш.	қилиш.			Республикаси Вазирлар Кенгаши
3.	Чимбой туманидаги “Кокшиқалъа” МФЙ ҳудудида ўтов (қора уй) тайёрловчи ҳунармандлар фаолияти учун шарт-шароит яратиш.	1. “Кокшиқалъа” маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият олиб бораётган ўтов (қора уй) тайёрловчи ҳунармандлар устахоналарини сайёҳлар ташриф буюрадиган ҳолатга келтириш, жумладан, устахоналарни миллий кўринишда таъмирлаш, ҳудудни ободонлаштириш. 2. Мазкур ҳунармандлар фаолиятини ОАВда кенг ёритиш ва туристик маршрутга киритиш.	2022 йил ноябрь Доимий равишда	Туризмни кўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари, тадбиркорлик субъектлари маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, “Ҳунарманд” уюшмаси, Туризм ва маданий мерос вазирлиги
4.	Мўйноқ туманида аҳоли ва хизмат кўрсатиш объектларини сув билан таъминлаш учун артезиан қудуқларини қазिश.	1. Аҳоли ва хизмат кўрсатиш соҳаси тадбиркорлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, туманда артезиан қудуқларини қазिश нукталарини аниқлаш. 2. Ушбу лойиҳаларга молиялаштиришни жалб қилиш мақсадида маҳаллий ва чет эллик донорлар билан тегишли ишларни ташкил этиш ва келишувларга эришиш чораларини кўриш. 3. Келишувларга асосан чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш асосида артезиан қудуқларини бурғилаш, сув чиқариш ва локал фойдаланишга топширишни таъминлаш.	2022 йил сентябрь 2022–2023 йиллар давонида	Грант, хомийлар ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Сув хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги
5.	Сайёҳлар ташриф буюрадиган масканларда ўриндик, ёритиш чироқлари ва ахлат қутилари ўрнатиш.	1. Сайёҳлар ташриф буюрадиган масканларни аниқлаш ва ўрнатиладиган ўриндик, ёритиш чироқлари, ахлат қутилари нукталарини белгилаш. 2. Ҳар бир объектда ўзига хослигидан келиб чиқиб, ўриндик, ёритиш чироқлари, ахлат қутилари ўрнатиш.	2022 йил сентябрь 2022–2023 йиллар	Туризмни кўллаб-қувватлаш жамғармаси, маҳаллий бюджет ва масъул ижрочилар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Маданият вазирлиги, Маданий мерос агентлиги
6.	Қорақалпоғистон Республикасидаги туристик намоёни объектларига олиб борувчи умумий	1. Зиёратгоҳлар, асосий шоҳ кўчалар, туризм ва маданий мерос объектларига олиб борадиган йўл бўйида ўрнатиладиган йўл кўрсаткичлари нукталарининг манзилли рўйхатини	2022 йил сентябрь	Автомобиль йўллари қўмитаси маблағлари	Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
	фойдаланишдаги автомобиль йўлларида ахборот йўл кўрсаткичларини ўрнатиш.	шакллантириш. 2. Шакллантирилган рўйхат бўйича “O’z Dst 3331:2018” стандарти асосида йўл кўрсаткичларини ўрнатиш.	2022–2023 йиллар		Вазирлар Кенгаши, Туризм ва маданий мерос вазирлиги
7.	Бўш турган ер майдонларини хатловдан ўтказган ҳолда салоҳиятли худудлардан меҳмонхона ва хостеллар қуриш учун белгиланган тартибда ер майдонларини “E-AUKSION” ким ошди савдоларига қўйиш.	1. Ишчи гуруҳ шакллантириш. 2. Ер майдонларини хатловдан ўтказиб топотасвирларни тайёрлаш. 3. E-AUKSION” ким ошди савдолари орқали реализация қилиш чораларини кўриш. қўйиш.	Тасдиқланган режа-график асосида ҳар чорақда	Тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, тижорат банки кредитлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қурилиш вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги
8.	Ташриф буюрувчиларга Устюрт платоси худудида қулайликлар яратиш.	1. “Судочье” кўли бўйида ва Устюртдаги биринчи кўтарилишдаги тепалик худудида айвонлар, ўриндик (скамейка), ахлат қутиларини ўрнатиш, санитария-гигиена шохобчаларини ташкил қилиш. 2. Орол денгизига олиб борувчи автомобиль йўлларида “Орол” денгизи йўналишини ва масофасини кўрсатувчи йўл белгиларини ўрнатиш.	2022–2023 йиллар	Маҳаллий бюджет, Автомобиль йўллари кўмитаси ва масъул ижрочилар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Автомобиль йўллари кўмитаси
II. Туризм соҳасида янги хизмат турларини кенгайтириш ва хизмат сифатини яхшилаш					
9.	Нукус шаҳридаги “Ашшиқўл” кўли, “Дослик канали” ва Эллиққалъа туманидаги “Ақчакўл” кўли	1. Тегишли вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ тузиш. 2. Ишчи гуруҳ томонидан ушбу худудларни ўрганиш.	2022 йил сентябрь	–	Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
	атрофида пляж-рекреацион зоналари ва дирекция ташкил қилиш масаласини ўрганиб чиқиш.	3. Ўрганиш якуни бўйича тегишли таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2022 йил октябрь		вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
10.	Нукус шаҳридаги “Ашшикўл” кўли, Бўзатов туманидаги “Довудкўл” кўли, Тахтакўпир тумани “Қаратерен” ОФЙ ҳудудидаги “Боршитаў” тоғи ва “Қаратерен” кўли ҳудудида экотуризм маскани ва пляж зоналарини ташкил қилиш.	1. Мазкур ҳудудларда туризм хизматларини ташкил этиш учун қаровсиз турган ер майдонларини хатловдан ўтказиш. 2. Хатлов натижалари бўйича ушбу ерларни электрон онлайн-аукцион орқали белгиланган тартибда инвесторларга сотиш. 3. Ташаббускорлар томонидан экотуризм маскани ва пляж зоналарини ташкил қилиш. 4. Ташкил этилган экотуризм маскани ва пляж зоналарини ОАВ орқали тарғиб қилиш.	2022 йил сентябрь 2022–2023 йиллар давомида	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, маҳаллий бюджет ва манфаатдор тадбиркорлик субъектлари маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси, Туризм ва маданий мерос вазирлиги
11.	Кўнғирот тумани “Давкескен” ёдгорлиги, “Барсакелмес” туз кони ва “Сариқамис” кўлидан туристик объект сифатида фойдаланиш чораларини кўриш.	1. Ишчи гуруҳ тузган ҳолда “Давкескен” ёдгорлиги, “Барсакелмес” туз кони ва “Сариқамис” кўлининг туристик имкониятларини ўрганиш. 2. Ишчи гуруҳнинг ижобий хулосаси олинган тақдирда, “Давкескен” ёдгорлиги, “Барсакелмес” туз кони ва “Сариқамис” кўлини туристик маршрутларга қўшиш ва уларга саёҳатлар ташкил қилиш. 3. “Давкескен” ёдгорлиги, “Барсакелмес” туз кони ва “Сариқамис” кўли тўғрисида тарғибот материалларини тайёрлаш.	2023 йил декабрь	Лойиҳалаштириш учун Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
12.	Амударё бўйида янги экотуризм ва дам олиш масканларини барпо этиш.	Нукус тумани ҳудудидан кесиб ўтувчи Амударё бўйида экотуризм масканлари, умумий овқатланиш ва меҳмонхона хизматларини ташкил этишга йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш.	2022–2023 йиллар	Банк кредитлари ва тадбиркорлар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, тижорат банклари
13.	Қорақалпоғистон Республикасида гид-таржимон	1. Талабгорлар рўйхатни шакллантириш. 2. Махсус ўқув курсларини ташкил қилиш	2022 йил октябрь	Туризмни қўллаб-қувватлаш	Туризм ва маданий мерос вазирлиги,

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
	сифатида фаолият олиб бориш истагини билдирган талабгорларни ўқитиш ва фаолият олиб бориш учун сертификат бериш.	ва сертификат тақдим қилиш.		жамғармаси маблағлари	Маданий мерос объектлари муаммоларини ўрганиш ва туризмни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти, “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети
III. Қорақалпоғистон Республикасининг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш					
14.	Қорақалпоғистон Республикасининг туристик салоҳиятини тарғиб қилиш мақсадида туризм ташриф объектлари бўйлаб инфотурлар ташкил этиш.	<ol style="list-style-type: none"> Инфотурда иштирок этувчи туроператорлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерлар рўйхатини шакллантириш. Инфотурни юқори савияда ташкил этиш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда #karakalpakstan хэштеги билан тарғиб қилиш. Туроператорлар ўртасида В2В форматда учрашувлар ташкил қилиш. 	2022–2023 йиллар давомида	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
15.	Қорақалпоғистон Республикасининг туристик салоҳиятини тарғиб қилиш мақсадида тарғибот материалларини тайёрлаш, хорижий давлатлар ва республикада ўтказиладиган нуфузли туристик кўргазмаларда худуднинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш.	<ol style="list-style-type: none"> Қорақалпоғистон Республикасининг туристик салоҳиятини тарғиб қилиш мақсадида тарғибот материалларини тайёрлаш. Хорижий ва маҳаллий туристик кўргазмаларда худуднинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш. 	2022–2023 йиллар давомида	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
16.	Сайёҳлар кўришига тавсия этиладиган объектлар, худудлар рўйхатини	<ol style="list-style-type: none"> Рўйхатни тайёрлаш, мунтазам янгилаб бориш. Тегишли маълумотларни Интернет жаҳон 	2022 йил сентябрдан бошлаб	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Қорақалпоғистон

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
	шакллантириш.	ахборот тармоғи ва ижтимоий тармоқларга жойлаштириш.	доимий равишда	маблағлари, грант ва тадбиркорлар маблағлари	Республикаси Вазирлар Кенгаши
17.	Қорақалпоғистон Республикасининг туризм салоҳиятини ёритувчи туркум кўрсатувлар тайёрлаш.	Худуднинг туризм салоҳияти, сайёҳларга яратилган имкониятлар, тарихий ва маданий мерос объектлари тўғрисида туркум тарғибот кўрсатувларини тайёрлаш ва материаллар эфир ҳамда интернет тармоқларида жойлаштирилишини таъминлаш.	2022–2023 йиллар давомида	маблағлари, грант ва тадбиркорлар маблағлари	Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Дунё бўйлаб” телеканали, оммавий ахборот воситалари
18.	Қорақалпоғистон Республикаси туманлари кесимида туристик интерактив харитани ишлаб чиқиш.	1. Қорақалпоғистон Республикасининг диққатга сазовор жойлари бўйича тегишли ахборот, фото ва видеоматериалларни йиғиш. 2. Йиғилган материаллар асосида интерактив харитани ишлаб чиқиш.	2022 йил декабрь		Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
IV. Маданий-маърифий ва кўнгилочар тадбирларни ташкил этиш					
19.	Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ ва бошқа туманларида (Тахтақўпир, Чимбой, Кегейли ва бошқалар) маҳаллий ва хорижий туристлар учун худуднинг гастрономик туризм салоҳиятини тарғиб қилишга қаратилган “Орол балиқларидан 99 хил таом” халқаро гастрономик фестивалини ўтказиш.	1. Тадбирни ўтказиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш. 2. Тадбир дастури тўғрисидаги тарғибот материалларини тайёрлаш ва туроператорлар дастурларига киритилишини таъминлаш. 3. Тадбир ўтказиладиган жойларда керакли шароитларни яратиш. 4. Тадбирни юқори савияда ўтказиш ва оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда ёритиш.	Ҳар йили сентябрь-октябрь ойларида	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳамда грант ва тадбиркорлар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ошпазлар уюшмаси, “Хунарманд” уюшмаси
20.	Ёшлар туризмни ривожлантириш мақсадида	1. Тадбирни ўтказиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжат лойиҳасини	2023 йилдан бошлаб ҳар	Туризмни қўллаб-қувватлаш	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
	“Стихия” халқаро электрон мусиқа фестивалини ўтказиш.	тайёрлаш. 2. Тадбир дастури тўғрисидаги тарғибот материалларини тайёрлаш ва туроператорлар дастурларига киритилишини таъминлаш. 3. Тадбир ўтказиладиган жойларда керакли шароитларни яратиш. 4. Тадбирни юқори савияда ўтказиш ва оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда ёритиш.	йили май ойида	жамғармаси ва грант маблағлари ҳомийлар ва манфаатдор тадбиркорлар маблағлари	Кенгаши, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Маданият вазирлиги, “Ўзбекконцерт” ДУК, Ёшлар ишлари агентлиги, ҳомий ташкилотлар
21.	Устюрт яссилигидаги экстремал маршрут бўйлаб “Muynak Ralli” автомобиль мусобақасини ташкил қилиш ва ўтказиш.	1. Тадбирни ўтказиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш. 2. Тадбир дастури тўғрисидаги тарғибот материалларини тайёрлаш ва туроператорлар дастурларига киритилишини таъминлаш. 3. Тадбир ўтказиладиган жойларда керакли шароитларни яратиш. 4. Тадбирни юқори савияда ўтказиш ва ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда ёритиш.	2023 йилдан бошлаб ҳар йили май ойида	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, грант, ҳомийлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган манбалар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, “Ватанпарвар” МКТ, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
22.	Мўйноқ туманида сайёҳлар учун “NavrUz” этнофестивалини ўтказиш.	1. Тадбирни ўтказиш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг тегишли ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш. 2. Тадбир дастури тўғрисидаги тарғибот материалларини тайёрлаш ва туроператорлар дастурларига киритилишини таъминлаш. 3. Тадбир ўтказиладиган жойларда керакли шароитларни яратиш. 4. Тадбирни юқори савияда ўтказиш ва ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда ёритиш.	2023 йилдан бошлаб ҳар йили март ойида	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, грант, ҳомийлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган манбалар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Маданият вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, оммавий ахборот воситалари
23.	Республиканинг туристик имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадида Мўйноқ туманида миллий от	1. Тадбирни ўтказиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш. 2. Тадбир дастури тўғрисидаги тарғибот	2023 йилдан бошлаб ҳар йили апрель ойида	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, грант, ҳомийлар ва бошқа	Спортни ривожлантириш вазирлиги, Туризм ва маданий

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
	ўйинлари фестивалини ўтказиш.	материалларини тайёрлаш ва туроператорлар дастурларига киритилишини таъминлаш. 3. Тадбир ўтказиладиган жойларда керакли шароитларни яратиш. 4. Тадбирни юқори савияда ўтказиш ва ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда ёритиш.		қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган манбалар маблағлари	мерос вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
24.	Аҳмад Яссавий тариқати давомчиси Ҳаким ота (Сулаймон Боқирғоний) таваллудининг 900 йиллигига бағишланган халқаро конференция ташкил қилиш.	1. Конференцияни ўтказиш юзасидан тегишли ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш. 2. Конференцияни юқори савияда ташкил қилиш. 3. Халқаро конференция доирасида Ҳаким ота (Сулаймон Боқирғоний)нинг ҳаёти ва ижодига бағишланган қорақалпоқ, ўзбек, инглиз тилларида брошюралар чоп этиш ва тарғибот материаллари (видеоролик, тарқатма маълумотлар)ни тайёрлаш чораларини кўриш.	2022 йил сентябрь 2022 йил октябрь	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, грант, ҳомийлар ва бошқа қонун ҳужжатларида тақиқланмаган манбалар маблағлари	Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
25.	Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси халқ артисти, Бердақ номидаги давлат мукофоти совриндори Базарбай Надиров номидаги академик вокал (опера) йўналиши бўйича ёш ижрочиларнинг романсида халқаро кўрик-танловини ҳар уч йилда бир марта ўтказиш.	1. Танловни ташкил этиш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда танлов иштирокчиларини моддий қўллаб-қувватлаш бўйича харажатлар смета лойиҳасини ишлаб чиқиш. 3. Танловни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.	2023 йилдан бошлаб ҳар уч йилда бир марта	Маҳаллий бюджет маблағлари	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
26.	Амударё туманида ҳар икки йилда бир марта май ойида Республика болалар фольклор фестивалини ўтказиш.	1. Танловни ташкил этиш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда танлов иштирокчиларини моддий қўллаб-қувватлаш бўйича харажатлар смета лойиҳасини ишлаб чиқиш. 3. Танловни оммавий ахборот воситаларида	2024 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта	Маҳаллий бюджет маблағлари	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
		кенг ёритиш.			
27.	Тахтақўпир туманида айтишув (бахшилар айтишуви), чангқовуз чалиш ва қиссахонлик йўналиши бўйича Халқ ижодиёти фестивалини ўтказиш.	1. Танловни ташкил этиш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда танлов иштирокчиларини моддий қўллаб-қувватлаш бўйича харажатлар смета лойиҳасини ишлаб чиқиш. 3. Танловни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.	2024 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта	Маҳаллий бюджет маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Маданият вазирлиги
28.	Мўйноқ туманида симфоник оркестр ва вокал ижрочиларининг концерт дастурини ўтказиш.	1. 2023 йил май ойида А.Навоий номидаги академик катта театрининг симфоник оркестр ва вокал ижрочиларининг концерт дастурини ўтказиш. 2. 2024 йилда Ўзбекистон миллий симфоник оркестри ва вокал ижрочиларининг концерт дастурини ўтказиш.	2023 йилдан бошлаб ҳар йили	Маҳаллий бюджет маблағлари	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
29.	Халқаро тасвирий ва амалий санъат биенналесини ўтказиш.	1. Чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Биеннале концепцияси ва сметасини ишлаб чиқиш. 3. Тадбирни ўтказиш ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.	2022 йил октябрь	Маҳаллий бюджет маблағлари	Ўзбекистон Бадий академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
30.	“Оролим қайт” мавзусида ёш рассомлар билан Орол денгизи бўйида пленэр ташкил этиш.	1. Чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Пленэр концепцияси ва сметасини ишлаб чиқиш. 3. Нукус шаҳри кўрғазмалар залида пленэрда яратилган асарлардан иборат кўрғазма ташкил этиш. 4. Тадбирни ўтказиш ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.	2022 йил сентябрь	Маҳаллий бюджет маблағлари	Ўзбекистон Бадий академияси, Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
31.	Қорақалпоғистон Республикасида чет эллик рассомлар иштирокида	1. Чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 2. Пленэр концепцияси ва сметасини ишлаб чиқиш.	2023 йил июль-декабрь	Маҳаллий бюджет маблағлари	Ўзбекистон Бадий академияси, Қорақалпоғистон

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
	халқаро тасвирий санъат пленэрларини ташкил этиш орқали туризмни ривожлантириш.	3. Тадбирни ўтказиш ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.			Республикаси Вазирлар Кенгаши

2022–2024 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг туризм салоҳиятини
янада ошириш юзасидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

Т/р	Туман (шаҳар) номи	Лойиҳа номи (мақсади)	Лойиҳа ташаббускори	Қуввати		Лойиҳа қиймати (млн сўм)	Иш ўринлари сони	шундан		Ишга тушириш муддати
				бирлик	дона			доимий иш ўринлари	мавсумий иш ўрни	
<i>Жами: 13 та лойиҳа</i>						45 370	108	64	44	
1.	Беруний тумани	Меҳмонхона ва бизнес марказини ташкил қилиш	“Dubay Plaza” МЧЖ	Ўрин	20	8 000	16	6	10	2023 йил ноябрь
2.	Нукус шаҳри	Меҳмонхона хизматини ташкил қилиш	“NITSA NUKUS” МЧЖ	ўрин	60	12 000	18	8	10	2024 йил ноябрь
3.	Нукус шаҳри	Меҳмонхона (60 ўринли) хизматини ташкил қилиш	“AYIM TUR” ХК	ўрин	60	5 500	12	8	4	2024 йил сентябрь
4.	Нукус шаҳри	“Ашши кўл” бўйида дам олиш масканини ташкил қилиш	“ETALON ENGINEERING STROY GROUP” МЧЖ	ўрин	30	5 000	12	9	3	2024 йил сентябрь
5.	Нукус шаҳри	Экотуризм масканини ташкил қилиш	“ISKANDER TOURS” МЧЖ	ўрин	200	920	7	3	4	2024 йил май
6.	Тўрткўл тумани	Экотуризм масканини ташкил қилиш	“Reyim Gojar” МЧЖ	ўрин	400	2 200	9	4	5	2024 йил декабрь
7.	Элликқалба тумани	Аҳолига дам олиш (балиқ таомларини тайёрлаш, балиқ овлаш, миллий қора уйларда дам олиш) марказини ташкил этиш	“Бахтияр Аллабергенов” ФХ	ўрин	200	400	9	5	4	2023 йил сентябрь
8.	Нукус тумани	Аҳолига дам олиш (балиқ таомларини тайёрлаш, балиқ овлаш, миллий қора уйларда дам олиш) марказини ташкил этиш	“JALAL QORA NUKUS” ХК	ўрин	500	3 550	12	7	5	2023-йил апрель
9.	Мўйноқ	Туризм хизматини ташкил этиш	“ABESKUM	ўрин	400	1 600	5	4	1	2024 йил

Т/р	Туман (шаҳар) номи	Лойиҳа номи (мақсади)	Лойиҳа ташаббускори	Қуввати		Лойиҳа қиймати (млн сўм)	Иш ўринлари сони	шундан		Ишга тушириш муддати
				бирлик	дона			доимий иш ўринлари	мавсумий иш ўрни	
	тумани		TUR” МЧЖ							ноябрь
10.	Нукус шаҳри	Меҳмонхона ташкил этиш	“Shayit mega sawda” МЧЖ	ўрин	500	2 500	5	3	2	2023 йил декабрь
11.	Нукус шаҳри	Меҳмонхона ташкил этиш	“SKY VISTA RESORT” МЧЖ	ўрин	20	3 000	4	3	1	2023 йил декабрь
12.	Нукус шаҳри	Меҳмонхона ташкил этиш	“Teniz tour” МЧЖ	ўрин	20	6 000	8	5	3	2023 йил декабрь
13.	Кўнғирот тумани	Ўй меҳмонхонасини ташкил этиш	“Kungrad Nice city” МЧЖ	ўрин	6	400	3	2	1	2023 йил март

**Оролбўйи минтақасининг ижтимоий ва маданий-маърифий салоҳиятини
янада ошириш бўйича “Орол орзуси”
ДАСТУРИ**

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
1.	“Орол орзуси” халқаро нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш.	1. “Орол орзуси” халқаро нодавлат нотижорат ташкилотининг мақсад ва вазифаларини ишлаб чиқиш. Бунда Оролбўйи муаммолари ва амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни жаҳон ҳамжамиятига тақдим этиш, хорижий давлатлар ҳамда ташкилотларнинг эътибори ҳамда грант маблағларини жалб қилиш, ижтимоий тадбирларни ташкил қилиш, ҳудуднинг экологик ҳолатини яхшилаш каби жиҳатларга эътибор қаратиш. 2. Зарур ҳужжатларни тайёрлаш, “Орол орзуси” халқаро нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказишга кўмаклашиш. 3. Ташкилот фаолияти учун жой (офис) ажратиш.	2022 йил сентябрь 2022 йил октябрь	–	Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Адлия вазирлиги
2.	Жаҳоннинг йирик пойтахтларида ҳамда нуфузли халқаро тадбирларда “Орол орзуси” концепцияси, Оролбўйи маданияти ва санъати бўйича тақдимотлар ўтказиш.	1. Ташкил этиладиган халқаро тадбирлар (экология ва атроф муҳитни асраш, аҳоли саломатлигини тиклаш, туризм) рўйхатини шакллантириш. 2. Халқаро ташкилотчиларга тадбирда Ўзбекистон делегациясининг иштироки тўғрисида маълум (хабар) қилиш. 3. Мутасадди давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар иштирокида Ўзбекистон делегацияси аъзоларини шакллантириш. 4. Тадбир учун тақдимот материалларини тайёрлаш. Бунда “Орол орзуси” концепциясининг моҳияти, Оролбўйи ҳудудида амалга оширилаётган ишлар,	2022 йил сентябрдан бошлаб доимий равишда	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва грант маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Маданият вазирлиги, нодавлат нотижорат ташкилотлар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
		<p>халқаро ҳамкорлик, ижтимоий лойиҳалар, ҳудуднинг туризм имкониятлари, хорижий ҳамкор ва грантларни жалб қилиш масалаларига асосий эътибор қаратиш.</p> <p>5. Делегация томонидан халқаро тадбир натижалари юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот ва таклиф киритиш.</p>			
3.	Оролбўйида ёшларни ўқитиш учун хорижий грантларни жалб қилиш.	<p>1. Оролбўйидаги ёшларга сифатли таълим бериш ва таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида хорижий ташкилотлар, молия институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан музокаралар олиб бориш.</p> <p>2. Белгиланган тартибда грант маблағларини жалб қилиш.</p>	2022 йил сентябрдан бошлаб доимий равишда	Хорижий грантлар ва ҳомийлик хайриялари, Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
4.	Нукус шаҳрида “Беш ташаббус” халқаро фестивалини ташкил этиш.	“Беш ташаббус” халқаро фестивалини ташкил қилиш ва юқори савияда ўтказиш юзасидан ҳукумат баёнини тасдиқлаш. Бунда республикадан ташқари туркий тилли ва қўшни мамлакатлардан ёшларни жалб қилиш, спорт тадбирларини уюштириш, маданий кўнгилочар чиқишлар ва Оролбўйига саёҳат ташкил қилиш каби масалаларга эътибор қаратиш.	2023 йил сентябрь	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва грант маблағлари	Ёшлар ишлар агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
5.	“Орол денгизига поезд” ёшлар экологик акциясини ўтказиш.	Республикадаги таълим муассасаларида таълим олаётган бир гуруҳ ёшларнинг Оролбўйига ташрифини ташкил қилиш. Ташриф давомида экологик акция ўтказиш, ёшлар билан учрашувлар ташкил қилиш ва Мўйноқ бўйлаб саёҳат уюштириш.	Ҳар йили апрель ойида	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, грант ва ижрочилар маблағлари	Халқ таълими вазирлиги, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
6.	“Оролбўйининг эзгу ният элчилари” халқаро тармоғини ташкил этиш.	<p>1. “Оролбўйининг эзгу ният элчилари” халқаро мулоқот платформасини ташкил қилиш.</p> <p>2. Платформага Оролбўйи ҳудудининг асраш ва ривожланишида ўз хиссасини қўшган ҳамда қўшиб</p>	2022 йил сентябрь доимий	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва грант маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
		<p>келаётган хорижий ташкилот, донор ва тадқиқотчиларни жалб қилиш.</p> <p>3. Платформага хорижий ҳамкорлар билан биргаликда Оролбўйи ҳудудида амалга оширилаётган ишлар, янгиликлар ва янги лойиҳалар тўғрисида маълумотлар киритиб бориш.</p> <p>4. Платформа аъзолари билан доимий равишда Оролбўйи ҳудудидаги масалалар юзасидан муҳокама ташкил қилиш ва амалий таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>			Ташқи ишлар вазирлиги, нодавлат нотижорат ташкилотлар
7.	Мўйноқда халқаро конференция ўтказиш.	<p>1. “Оролбўйи эзгу ният элчилари” халқаро мулоқот платформасини ташкил этиш.</p> <p>2. Мўйноқда Оролбўйида олиб борилаётган ишлар, ижтимоий ва экологик ҳолатга бағишланган халқаро конференция ўтказиш.</p>	2023 йил март	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, ижрочилар маблағлари	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Туризм ва маданий мерос вазирлиги
8.	Оролбўйи минтақасини маданий ва ижтимоий ривожлантириш учун халқаро донорлар, жамғармалар ва хайрия ташкилотларини жалб қилиш.	Халқаро донор, жамғарма ва хайрия ташкилотлари билан музокаралар олиб бориш ва уларни Оролбўйи минтақасини ривожлантириш учун жалб қилиш.	2022 йил сентябрдан бошлаб доимий равишда	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва грант маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги
9.	Сайёҳларни жалб қилиш мақсадида Орол денгизининг маълум нуқталарига дунёнинг машҳур, таниқли шахслари номини бериш.	<p>1. Орол денгизи ҳудудидан нуқталарни аниқлаш ва дунёнинг машҳур, таниқли шахслари номини шакллантириш (заруратга кўра машҳур, таниқли шахслар билан келишиш).</p> <p>2. Интернет тармоғидаги хариталарга нуқталар ва уларнинг номини киритиш.</p>	2022–2023 йиллар	Ижрочилар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги,

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
		3. Оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқларида амалга оширилган ишлар юзасидан тарғибот маълумотларини жойлаштириш.			Туризм ва маданий мерос вазирлиги
10.	Сайёҳлар оқимини оширишда Мўйноқнинг янги аэропорти имкониятларидан кенг фойдаланиш.	1. Янги аэропорт фаолияти ва имкониятлари тўғрисида маълумотларни туристик ташкилотларига етказиш. 2. Оммавий ахборот воситалари ва туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари иштирокида инфотурлар ташкил қилиш.	2022–2023 йиллар	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, грант ва ижрочилар маблағлари	Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
11.	Аҳолининг ўзига хос хунармандчилик анъаналарини қўллаб-қувватлаш орқали қорақалпоқ халқи, Орол ва Мўйноқ анъаналари тимсоли ва денгизни тасвирловчи сувенирлар ҳамда маҳсулотлар ишлаб чиқариш.	1. Фарғона вилоятидан тажрибали хунармандлар томонидан маҳорат сабоқларини ташкил қилиш. 2. Маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. 3. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида ушбу маҳсулотларнинг савдосини йўлга қўйиш.	2022 йил октябрь 2022–2023 йиллар	Ижрочилар ва тадбиркорлар маблағлари	“Хунарманд” уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Туризм ва маданий мерос вазирлиги
12.	Мўйноқ туманида сайёҳлар ташриф буюрадиган объектларни яратиш мақсадида Мўйноқ шаҳри худудида жойлашган тарихий уйлар ва объектларни сақлаб қолиш чораларини кўриш.	1. Мўйноқ туманида йўқолиб бораётган тарихий балиқчилар уйи ва объектларни хатловдан ўтказиш. 2. Экспертиза хулосаларини тайёрлаш. 3. Уларни белгиланган тартибда маданий мерос объектлари рўйхатига киритиш. 4. Тарихий объектларни сайёҳлар ташрифи масканига айлантириш ва тарғиботини ташкил этиш.	2022 йил сентябрь-декабрь	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва грант маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Маданий мерос агентлиги

